

интродукция қилиш ҳамда етиштириш имкониятини берса-да, кам тарқалган сабзавот экини турлари сони оз эканлигини кўрсатади.

Сабзавотларнинг ассортименти кенгайтириш аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжидан эмас, балки мамлакатимизга

келиб-кетаётган ва шу ерда истиқомат қилаётган хорижликлар талабини ҳам қондиради, тармоқ салоҳиятини бойитади.

С.Х.ҚАРШИЕВА,

ТошДАУ Термиз филиали мустақил тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Зуев В.И., Қодирхўжаев О. Адилов М.М., Акрамов У.И. "Сабзавотчилик ва полизчилик". Тошкент -2010.
2. Пивоваров В.Ф., Хасанов А.Р., Добруцкая Е.Г., Турдикулов Б.Т. Возделывание зеленных и пряновкусовых культур в Сурхандарьинской области Уз ССР. Термез, 1990.
3. Борисов Р.Л., Борисов В.Я., Перегудт М.Ф. Малораспространенные овощные культуры. Симферополь, 1979.
4. Hoppe B. 1996: Standund Perspektiven des Anbaus von Arznei- und Gewurzpflanzen in Deutschland, Zeitschrift fur Arznei- und Gewurzpflanzen 1, Sonderheft.
5. Аниксеева С.П., Ан П.А., Агроклиматические ресурсы Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областей Узбекской ССР.Л., 1979.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 1985.
7. Методические указания по селекции зеленных,пряно-вкусовых и многолетних овощных культур (М., ВИР-ВНИИССОК, 1987).
8. Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов (М., «Колос», 1982).
9. Стандарты отрасли на семена овощных, бахчевых культур, кормовых корнеплодов и кормовой капусты. (Мин-сельхозпрод Россия, Москва-2001)

УЎТ: 575.631.5.633.41

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

G.HIRSUTUM L. ТУРИ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛАНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ўрта толали ғўзанинг толасини сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, толанинг сифат параметрларининг барчаси бўйича ҳар иккала сугориш тизимида F3(Бухоро-8 х Дўстлик-2) дурагайи, мақбул сугориш тизимида Султон навини, сув танқислиги шароитида микронейрни яхшилашда Бухоро-8 навини, солиштирма узилиш кучи бўйича Бухоро-8 навини, тола узунлиги бўйича Ан-Боёвут-2 навини, толанинг қатор сифат кўрсаткичлари бўйича F3(Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8) комбинациясини белгиларни яхшилашда амалий селекция жараёнига тавсия этиш имконлиги келтирилган.

Калит сўзлар: ғўза, нав, дурагай, тола сифати, микронейр, солиштирма узилиш кучи.

Аннотация. В статье проанализировано качество средневолокнистого хлопкового волокна, гибрида F3 (Бухара-8 х Дустлик-2) в обеих оросительных системах, сорта Султан в оптимальной системе полива, сорта Бухара-8 в улучшении микронейра в условиях водного дефицита, специфики Сочетание Бухара-8 по прочности, Ан-Бойовут-2 по длине волокна, F3 (Ан-Бойовут-2 х Бухара-8) по ряду показателей качества волокна может быть рекомендовано для практических процессов отбора при улучшении черты.

Ключевые слова: хлопок, сорт, гибрид, качество волокна, микронейр, удельная прочность на разрыв.

Annotation. The article analyzes the quality of medium-fiber cotton fiber, F3 (Bukhara-8 x Dustlik-2) hybrid in both irrigation systems, Sultan variety in the optimal irrigation system, Bukhara-8 variety in improving micronaire in water-scarce conditions, specific interruption. The combination of Bukhara-8 in terms of strength, An-Boyovut-2 in terms of fiber length, F3 (An-Boyovut-2 x Bukhara-8) in a number of fiber quality indicators can be recommended for practical selection processes in the improvement of traits.

Keywords: cotton, variety, hybrid, fiber quality, micronaire, specific tensile strength.

Кириш. Дунё микёсида ғўзадан юқори тола ҳосилини олиш бўйича селекция услубларини такомиллаштириш, сифат белгиларини назорат қилувчи генларнинг аддитив самарасини, доминантлик даражаси ва йўналишини аниқлаш орқали замон талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда тола ҳосилдорлиги кўп йиллардан бери 6-7 ц/га дан ошмаяпти. Бу эса дунё кўрсаткичидан 2-3 карра камдир.

Хорижий навлардан ойдаланиб янги тезпишар ва тола ҳосилдорлиги юқори бўлган навлар яратиш мамлакатимиз

мизнинг селекция фани олдида турган асосий вазифадир. Ғўзанинг дунёвий коллекцияси ғўзанинг турли минтақалардан жамланган ёввойи, ярим ёввойи (рудерал) шакллари ва навлари муҳим аҳамият касб этади. Бу намуналардан самарали фойдаланиб, янги бошланғич ашёлар яратиш ҳозирги куннинг талабларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи. Тола сифатини ошириш доимо асосий вазифа бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, сертолали ва сифати юқори бўлган навлар яратишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, тола чиқими ва сифати ўртасида

салбий боғланишлар мавжуд [4; 210-231-р.] W. R. Meredith [3; 321-325-р.] маълумотларига кўра, тола ҳосилдорлиги ва тола сифати ўртасида кучли салбий боғланишлар мавжуд.

Австралия олими M.Clement [1; 128-130-р.] маълумотида кўра, ҳосилдорлик ва тола сифатининг айрим белгилари орасида салбий корреляциялар борлиги аниқланди, айниқса тола узунлиги ва пишиқлиги ҳамда тола ҳосилдорлиги салбий даражада боғланган. Тола сифати белгиларини бошқарувчи генлар F_5 – F_6 авлодида ўз аддитив самарасини намойиш этади. Тола сифатини пайсайтирадиган яна бир омил баргларнинг қолдиқларидир, чунки машина теримида сербаргли ўсимликларда ифлосланиш юқори бўлади. Баргдаги тукларни кескин камайтириш толанинг ифлосланишини камайтиради.

1995-2009 йиллар орасида (CSIRO) дастурлари натижасида тола ҳосилдорлиги жаҳонда энг юқори бўлганлиги маълум бўлди, яъни 18.3 ц/га ташкил этган. Бу кўрсаткичга 48 % навлар орқали, 28 % агротехнология ва 24 % навлар ва агротехнология ўзаро боғлиқлиги асосида эришилган [2; 281-292-р.].

Тадқиқот натижалари. Биз томонидан, бугунги кунда Давлат реестрида мавжуд бўлган қатор навларимиз навлараро частиштирилганга жалб этилиб, етишмаётган белгиларини яхшилашга ҳаракат қилинди. Улар иштирокидаги айрим комбинацияларнинг устунлиги яққол намоён бўлди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, турли суғориш тизимлари ҳам толанинг сифат кўрсаткичларига турлича таъсир этиши намоён бўлди.

Толанинг сифат параметрлари жаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этади ва халқаро бозорда албатта толанинг сифатига қараб таннархи ошиб боради. Шу нуқтаи назардан толанинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратдик. Маълумки, толанинг микро-нейр кўрсаткичи 4,8 дан юқори бўлиши унинг дағаллашувига олиб келади. Республика “Сифат” маркази берган маълумотларга кўра, ажратиб олинган ашёларимизнинг барчаси мақбул суғориш шароитида ушбу белги бўйича талаб даражасида бўлди, яъни навларда 4,5 дан (Бухоро-102) 4,70 гача

(Меҳнат), навлараро дурагайларда 4,6 дан (F_3 Андижон-36 х Беш-қаҳрамон) 4,75 гача (F_3 Бухоро-102 х Чимбой-5018) бўлганлиги эътироф этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Навлар ва навлараро дурагай комбинацияларнинг мақбул (1-2-1) суғориш тизимида толанинг сифат кўрсаткичлари. (2018 й).

Оилалар	Микронейр (Mic, HVI)			Солиштирма узилиш кучи, гс/текс(Str)			Юқори ўртача узунлик, дюйм (Len)		
	M±m	σ	V%	M±m	σ	V%	M±m	σ	V%
Навлар									
Бухоро-102	4.05±0.45	0.63	15.7	25.4±0.15	0.21	0.83	1.19±4.9	7.07	0.59
Чимбой-5018	4.45±8.01	0.24	5.39	29.8±1.37	4.13	13.8	1.11±7.08	0.21	19.02
Бухоро-8	4.59±9.9	0.14	3.07	28.8±1.8	2.54	8.83	1.18±1.0	1.41	1.19
Дўстлик	4.20±0.12	0.30	7.11	27.4±1.61	3.96	14.4	1.23±9.54	2.34	1.89
Ан-Боёвут-2	4.40±4.9	7.07	1.59	26.9±0.15	0.21	0.78	0.98±0.37	0.52	53.3
Бухоро-6	4.50±4.94	0.12	2.65	29.5±1.29	3.17	10.73	1.19±1.85	4.54	3.79
Султон	4.19±0.10	0.14	3.36	31.8±0.10	0.14	0.44	1.20±4.0	5.65	4.71
Меҳнат	4.70±0.39	0.56	12.0	24.3±9.9	0.14	0.58	1.21±3.0	4.24	3.50
Андижон-36	4.44±4.9	7.07	1.58	26.0±0.75	1.06	4.07	1.19±4.99	7.07	0.59
Беш-қаҳрамон	4.5±6.79	0.21	4.79	28.7±1.16	3.68	12.8	1.22±1.13	3.59	2.93
Навлараро дурагайлар									
F_3 (Бухоро-102 х Чимбой 5018)	4.75±0.25	0.35	7.44	31.4±0.30	0.42	1.35	1.18±5.0	7.0	0.59
F_3 (Бухоро-8 х Дўстлик-2)	4.60±9.9	0.14	3.07	32.9±0.19	0.28	0.85	1.20±4.9	7.07	0.58
F_3 (Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8)	4.60±8.16	0.16	3.54	31.6±0.60	1.21	3.82	1.20±1.89	3.78	3.14
F_3 (Султон х Меҳнат)	4.60±4.7	9.57	2.07	31.8±0.63	1.26	3.97	1.20±8.54	1.70	1.41
F_3 (Андижон-36 х Беш-қаҳрамон)	4.70±0.15	0.21	4.46	32.1±0.15	0.21	0.66	1.18±5.0	7.07	0.59

2-жадвал

Навлар ва навлараро дурагай комбинацияларнинг сув танқислиги (0-1-0) шароитидаги толани сифат кўрсаткичлари.(2018 й).

Нав ва дурагай комбинациялар	Микронейр (Mic, HVI)	Солиштирма узилиш кучи, гс/текс (Str)	Юқори ўртача узунлик, дюйм (Len)
Навлар			
Бухоро-102	3.9	22.7	1.19
Чимбой-5018	4.6	33.2	1.19
Бухоро-8	4.3	33.8	1.24
Дўстлик	4.5	32.4	1.25
Ан-Боёвут-2	4.6	28.6	1.28
Бухоро-6	4.6	28.1	1.23
Султон	4.4	32.5	1.23
Меҳнат	4.5	31.7	1.21
Андижон-36	4.4	31.5	1.20
Беш-қаҳрамон	4.35	30.6	1.20
Навлараро дурагайлар			
F_3 (Бухоро-102 х Чимбой 5018)	5.2	25.1	1.18
F_3 (Бухоро-8 х Дўстлик-2)	5.3	22.4	1.08
F_3 (Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8)	4.7	30.0	1.24
F_3 (Султон х Меҳнат)	4.7	25.7	1.16
F_3 (Андижон-36 х Беш-қаҳрамон)	4.9	28.7	1.19

Сув танқислиги шароитида эса баъзи дурагайларимизда толанинг дағаллашганлиги кўринди (2-жадвал). Навларда микронейр халқаро андозаларга мос равишда 3,9 дан (Бухоро-102) 4,6 гача (Бухоро-6) навларо дурагайларнинг баъзиларида салбий натижа (F_3 Бухоро-8 х Дўстлик-2 -5,3; F_3 Бухоро-102 х Чимбой 5018 -5,2; F_3 (Андижон-36 х Беш-қахрамон)– 4,9).

Мақбул суғориш тизимида солиштирма узилиш кучи бўйича навлар орасидан Султон (31,8 г/куч текс.), навларо дурагайларнинг барчаси белги бўйича юқори натижани кўрсатди, яъни 31,4 гс/текс дан (F_3 Бухоро-102 х Чимбой 5018) 32,1 гс/текс F_3 (Андижон-36 х Беш-қахрамон) оралигида шаклланди (1-жадвал). Сув танқислиги шароитида ушбу белги бўйича навлар орасидан Чимбой-5018 (33,2 г/куч текс.), Бухоро-8 (33,8 г/куч текс.), навларо дурагайлардан F_3 Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8 (30,0 г/куч текс (2-жадвал).

Толанинг узунлигини дюймда берилишига кўра, мақбул суғориш шароитида навлардан Дўстлик-2 (1,23дюйм), Султон (1,20 дюйм), Меҳнат (1,21 дюйм), Беш-қахрамон (1,22

дюйм), навларо дурагайлардан F_3 Бухоро-8 х Дўстлик-2, F_3 Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8, F_3 (Султон х Меҳнат) (1,20 дюйм) (1-жадвал), сув танқислигида Ан-Боёвут-2 (1,28 дюйм) Дўстлик-2 (1,25 дюйм), Бухоро-8 (1,24 дюйм), F_3 Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8 (1,24 дюйм) дурагайининг белги бўйича устунлиги кўринди (2-жадвал).

Хулоса шуки, толанинг сифат параметрларининг барчаси бўйича ҳар иккала суғориш тизимида F_3 (Бухоро-8 х Дўстлик-2 дурагайи, мақбул суғориш тизимида Султон навини, сув танқислиги шароитида микронейрни яхшилашда Бухоро-8 навини, солиштирма узилиш кучида Бухоро-8 навини, тола узунлиги бўйича Ан-Боёвут-2 навини, толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича F_3 (Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8) комбинациясини белгиларни яхшилашда амалий селекция жараёнларига тавсия этиш мумкин.

Ж.А.ЭРГАШЕВ,

қ.х.ф.ф.д., ТошДАУ ассистенти,

Н.Н.ШАМУКИМОВ,

ТошДАУ магистранти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Clement J.D., Constable G.A., Stiller W.N., Liu S.M. Negative associations still exist between yield and fibre quality in cotton breeding programs in Australia and USA. Field Crops Research 2012, - P. 128-130.
2. Lacape J.M., Jacobs J., Arioli T., Derijcker R., Forestier-Chiron N., Llewellyn D. Anew interspecific, *Gossypium hirsutum* x *G. barbadense*, RIL population: towards a unified consensus linkage map of tetraploid cotton.// Theoretical Applied Genetics. 2009;119. (2) P. 281-292.
3. Meredith W.R., Notice of release of three noncommercial stocks of Upland cotton, DES 7A-ne, DES SL-ne, and DES DK-ne. Miss.Agr.and Forest. Exp.St. and U.D.Dept. Agr. Memo 1972. - P. 321-325.
4. Allen S.J., The Australian cotton industry response to the Fusarium wilt problem. In:Dugger P, Richter D, editors. Beltwide Cotton Conferences; Atlanta, GA: National Cotton Council of America, Memphis, TN; 2002. P.210-231.

УЎТ:633.635.658.351

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

ЯСМИҚ НАВЛАРИНИНГ ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ ЎСИШ СУРЪАТИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ясмиқнинг “Олтин дон” ва “Дармон” навларини кузда ва баҳорда гектарига 2,0, 3,0, 4,0 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида экишнинг ўсимликни ўсиш суръатига таъсир этишига оид маълумотлар келтирилган. Ясмиқнинг “Олтин дон” ва “Дармон” навларини кузги ва баҳорги муддатларда экилганда экиш меъёрини гектарига 2,0 млн.донадан 4,0 млн.донагача ошириб борилиши ўсимлик поясининг баландлигини орттириши таъминлаб, 2,0 млн.дона/га экилган вариантга нисбатан 3,6-9,7 см га баландроқ бўлганлиги кузатишган.

Таянч сўзлар: экиш муддати, экиш меъёри, “Олтин дон”, “Дармон”, поя баландлиги, суткалик ўсиш.

Кириш. Аҳоли эҳтиёжи учун талаб қилинадиган тўйимли, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини яхшилашда донли экинлар билан бир қаторда дон-дуқкакли экинлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Дон-дуқкакли экинлар донли экинларга нисбатан оқсил, муҳим аминокислоталар ва витаминларга бой бўлиб, уларнинг дони таркибида 25-50 % оқсил мавжуддир. Дон-дуқкакли экинларнинг орасида ясмиқ муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, ясмиқ энг қадимий озиқ-овқат экинларидан бири бўлиб, донининг таркибида 23-32 % оқсил, 0,6-2,1 % мой, 47-70 % азотсиз экстрактив моддалар, 2,3-4,4 % кул, 2,4-4,9 % тўқима ва В гуруҳ витаминлар мавжуд. Ясмиқ дони овқатга бутунлигича, ёрма ёки

ун қилиб ишлатилади. Поясининг таркибида 6-14 % оқсил бўлади. Ясмиқ дон-дуқкакли экин бўлганлиги туфайли тупроқ унумдорлигини оширади. Ясмиқ жуда серҳосил экинлардан бўлиб, унинг дони тўйимлилик жиҳатидан қорамол гўштига деярли баробар келади [1].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимларнинг таъкидлашларича ясмиқнинг экиш муддатлари турли хил мамлакатларда турлича бўлиб, тупроқ-иқлим шароити ва навининг биологик хусусиятларига қараб турлича бўлишини аниқлаганлар. Ясмиқ ўсимлигини экиш тупроқнинг юза 10 см қатламидаги ҳарорат +12 °C га етганда бошланади [2, 7].